Кимки кечқурун Бақара сурасининг охирги икки оятини ўқиса, унга кифоя қилади», дедилар

Абу Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки кечқурун Бақара сурасининг охирги икки оятини ўқиса, унга кифоя қилади», дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда ким кечқурун Бақара сурасининг охирги икки оятини ўқиса, Аллоҳ унга ёмонлик ва балолардан кифоя қилишини хабар бердилар. Таҳажжуд намозидан кифоя қилиши; тундаги вирдларида кифоя қилиши; қиёмуллайлда Қуръон ўқиши етарли бўлган энг оз миқдорлиги ва булардан бошқа фикрлар айтилган. Эҳтимол, бу айтиб ўтилганларнинг ҳаммаси тўғридир, ҳадис лафзи ҳаммасини ўз ичига олиши мумкин.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/6274